



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 13 сентябр, чоршанба №135 (967)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

12 сентябр кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти ИслоМ Каримов Британия кенгаши Бош директори Дэвид Гринни қабул қилди. Британия кенгаши 1934 йилда ташкил этилган бўлиб, Буюк Британиянинг хорижий давлатлар билан маданий, таълимий ва илмий ҳамкорлигига ҳамда инглиз тилининг дунё бўйлаб тарқалишига кўмак берувчи ташкилот ҳисобланади.

Британия кенгаши юртимиздаги фаолиятини 1993 йилда бошлаган. Айни шу ташкилот ўша йили Ўзбекистон билан Буюк Британия ҳукуматлари ўртасида таълим, фан ва маданият соҳаларида ҳамкорлик борасида имзоланган битимни амалга ошириш бўйича Бирлашган Кириллик ҳукуматининг асосий вакили ҳам ҳисобланади. Шунингдек, 1995 йил 12 декабрда Ўзбекистон

хукумати билан Британия кенгаши ўртасида мазкур ташкилотнинг юртимиздаги фаолиятини ривожлантириш тўғрисида меморандум имзоланган эди. Айни пайтда Британия кенгаши Ўзбекистонда инглиз тилида ўқув қўлланмалари нашр қилиш, Ташкилот вазири билан ҳамкорликда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қоида академик лицей ташкил этиш, банк



сектори ва ишбилармон доиралар вакиллари учун курслар уюштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширмоқда. Шунингдек, ижтимоий фанлар, тиббиёт ва инглиз тили факультетлари ўқитувчилари ҳамда талабаларини адабиётлар ва ахборотлар билан таъминлаш

мақсадида ахборот марказлари ташкил этиш ҳам мазкур ташкилот фаолиятининг узвий қисми ҳисобланади. Британия кенгаши билан Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Умид» жамғармаси ўртасида ҳам мустақам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Давлатимиз раҳбари мезмонни юртимизга ташрифи билан кўтар экан, ўнлаб мамлакатларда Британия кенгашининг бўлимлари ва ваколатхоналари фаолият юритаётганлигининг ўзи мазкур ташкилотнинг дунёда улкан нуфузга эга эканидан далолатдир, деди. Учрашувда Ўзбекистонда Британия кенгаши фаолияти кўламини янада кенгайтириш, юртимиз билан Буюк Британия ўртасида илм-фан, маданият ва таълим борасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари хусусида сўз борди. (ЎЗА).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам ИслоМ Абдуғаниевич! Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами - Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз. Ишончим комилки, Сизнинг фаолиятингиз ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар йўли мамлакатининг сиёсий барқарорлигини, муттасил иқтисодий ўсишини таъминлашга ва жаҳон ҳамжамиятида унинг халқаро оғирлигини мустақамлашга хизмат қилади, давлатларимиз ўртасидаги аънавий дўстлик муносабатларини сифат жиҳатдан янги негизда тобора ривожланиб бораверади, бу эса украин ва ўзбек халқларининг манфаатларига мос келади. Муҳтарам ИслоМ Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик, омонлик, Ўзбекистонни равақ топиртириш йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром ила, Леонид Кучма, Украина Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимиз ва эзгу тилакларимизни йўллаш бизга қувонч бахш этмоқда.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, мамлакатингизнинг биродар халқига эса хайр-баракот ва равақ тилайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз. Зайд бин Султон Ол Наҳаён, Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрикларимиз ва эзгу тилакларимизни йўллаш бизга қувонч бахш этмоқда.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, мамлакатингизнинг биродар халқига эса хайр-баракот ва равақ тилайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Мактум бин Рошид Ол Мактум, Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан шахсан ўз номидан ва мамлакатим халқи номидан Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда Ўзбекистон халқига самимий қутловлар йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги аънавий дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик бундан бунён ҳам ривожланиб, мустақамлашиб бораверишига ишончим комил.

Сиз, Жаноби Олийларига мустақам соғлиқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса равақ тилайман.

Нацагийн Багабанди, Монғолия Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Республика Президенти Жаноблари, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги шонли байрами нишонлаши муносабати билан Камбожа Қироллиги халқи, парламенти ва ҳукумати ҳамда шахсан ўз номидан ғоят самимий қутловларимни изхор этиш шарафига муҳссарман. Ўзбек халқи давлатига раҳбарлик қилишдек тарихий вазифанингизни бажаришда Сизга чин дилдан муваффақиятлар, мустақам соғлиқ ва бахт-саодат тилайман.

Мамлакатларимиз ўртасида аънавий дўстона муносабатлар ўрнатилганлиги менга қувонч бахш этади.

Республика Президенти Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Нородом Сианук, Камбожа Қироли

ЯНГИ МАХСУЛОТ

«Кўк механика заводи» ҳиссдорлик жамиятида янги махсулот - эгик насослар ишлаб чиқаришмоқда. «СМ-125-80» русумли бу янги насослар сувоқчилик тўрт атмосфера босимида 40 метр баландликка узатиб бериш имкониятига эга. Мамлакатимиз халқ хўжалиги ва саноат тармоқларида кўп ишлатилган бу махсулот шу пайтгача Россиядан келтирилган эди. Соҳа мутахассисларининг излашлари тўғрисида бу борадаги оврагарчиликлар бораҳам топди. Йил охиригача юздан ортиқ янги махсулот истеъмолчиларга етказиб берилади.

Шикоят текширибди, адолат ўрнатилди АРИЗАЧИ ДАЪВОСИ ҚОНДИРИЛДИ

Ражаб Курбонов Ғиждувон туманидаги санитария-эпидемиология станциясида ишлаб юрган эди. Шу йилнинг 24 январда «Бухоро-Тошкент» автоўйлининг Вобкент тумани ҳудудида руй берган транспорт ҳодисаси тўғрисида у оғир тан жароҳати олади. Бўлиб ўтган бахтсиз ҳодиса оқибатида Р.Курбонов узок вақт шифо масканларида даволанади. Шифокорлар унинг саломатлигини тиклаш йўлида бор куч-ғайрат ва таҳрибаларини ишга солишди.

Лекин текшириш ишлари бир ёклама олиб боришгани, ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари, меҳнат техник нозир вакиллари иштирокисиз чиқарилган ҳулоса бири инсон учун жуда қимматга тушди.

Биринчи ва иккинчи даражали ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва саломатликка бошқача кўринишда зарар етказилиши тўғрисидаги далолатнома вақтида тўлғазилмаганлиги ва жабрланувчига тақдим этилмаганлиги Р.Курбоновни кўп овраи сарсон қилди. Ҳақиқат қарор топиб адолатни тик-

лагунича у оилаб идорама-идора юришга мажбур бўлди.

Ниҳоят, Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси кўмитасига ариза билан мурожаат этган, иш яхши томонга ўзгарди. Кўмита аралашуви билан адолат тикланди ва жабр кўрган фуқаро талаби қондирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилдаги 286-сонли Қарори асосида бахтсиз ҳодиса тафсилотлари қайта кўриб чиқилди. Мутахассислар иштирокида тегишли тартибда текшириш ишлари олиб борилди. Хулосалар, далолатномалар вилоят мутасадди комиссияси эътиборига ҳавола этилди.

Хуллас, аризачининг даъвоси қондирилди, 144 минг сўмлик тоvon пули тўланди ва олган жароҳати ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли унга II гуруҳ ногиронлиги берилди. У энди ҳар ойда 8,5 минг сўмдан нафақа пули ҳам оладиган бўлди.

Усмон НАВҒЎЗ, «Ишонч» мухбири.

Шу сонга хабар

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Пахтакор ёз бўйи қилган астойдил меҳнати бугун самарасини кўрсатди. Эрта эккан эрта хирмон яратур, деган нақлнинг қанчалик ҳақиқат эканлигини амалда исботлаган Шаҳрисабз туманидаги Улугбек номли ширкат хўжалиги деҳқонлари ҳар гектар ердан 31 центнердан ҳосил йиғиштириб давлатга пахта топшириш шартнома режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Қабул пунктларига 1010 тонна сифатли хомаша етказиб берилди. Унинг 680 тоннаси уруғлик пахтадир.

Жорий йилда 325 гектар майдонга «Наманган-77» навли уруғ қадаб иш оила пудратчи асосида ташкил этилгани муваффақиятни таъминлади. Хўжаликдаги 250 та оилавий пудратчи эрта ва баракали ҳосил етиштиришда муносиб ҳисса қўшди. Ташкилдаш кераки, бунда терилган пахта пулиннинг вақтида тарқатилиши, мавсумни кўнгилдайдек ўтказишда хўжалик қасаба уюшма кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қароридан келиб чиқиб белгилаган чора-тадбирлар асосий омил бўлди.

Ҳамид Амиров, Абдурахмон Холов, Абдухалил Пардаев, Назира Худойқулова, Зариф Шарипов етакчи бўлган оилавий пудратчилар ҳар гектар ердан 42-45 центнердан ҳосил саранжомлаб олдилар.

Ютуқларимизнинг асосий омил ишчи оила пудратчи асосида ташкил этиб, меҳнатга бўлган муносабат ўзгарганлиги, ер ҳақиқий эгасини топганлиги, дейди хўжалик бошқаруви раиси Шомурод Ражабов. - Эндиги ниятимиз ҳосилдорлики 50 центнерга етказиб режага қўшимча 200 тонна пахта сотамиз.

Теримда пешқадамлик қилаётган Шоҳида Аморова, Раъно Муродова, Ҳадича Шерова, Гулжаҳон Бариева, Фароғат Искандарова сингари чевар теримчилар қунига 140-150 килограммдан ошириб етказилган пахта тўкишяпти. Уларнинг ҳар бири 10 кунликда 45-50 минг сўмгача пул олишяпти. Шунингдек, хўжалик қасаба уюшмаси кўмитаси томонидан илорлар рағбатлантирилмоқда. Мукофот эса меҳнат бахси қизгин боришини таъминлаётди.

Шавак СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

ЖАҲОНШУМУЛ ТАШАББУСЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАЖАК

Ташкилий жиҳатдан барча халқаро ташкилотлардан устун турувчи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳозир 188 мамлакатни бирлаштирган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ИслоМ Каримов БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқида энг долзарб миллий ва дунёвий муаммоларни очиб берди ҳамда талайгина янги ташаббусларни илгари сурди. Улар барчанинг диққат-марказида бўлмоқда.

Республикаимиз меҳнатқашлари давлатимиз раҳбарининг тарихий нутқини зўр эътибор, айни пайтда фахр ҳис-туйғуларига тўлиб-тошган ҳолда ўқиб-ўрганмоқдалар. Боиси, ушбу жаҳоншумул ташаббуслар, самарали учрашувлар ўзининг қутилган натижаларини беражак.

Биз — ўзбекистонликлар ер юзида тинч-

лик бўлишини хоҳлаймиз. Бироқ сўнгги воқеалар хотиржам яшашга ҳали эрталигини, «ўзга» давлатлар муаммоларидан четда туришга ҳаққимиз йўқлигини, ҳаммаша хушёр оғох бўлишимиз лозимлигини кўрсатяпти. Шу маънода давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеясининг «Мингйиллик саммити» деб ном олмаган сессиясида сўзла-

ган нутқининг аҳамияти бекиёс. Негаки, Президентимиз ўз нутқида барчани бирдек ўйлан-тираётган дунёвий муаммоларни дадил кўрсатиб берди, янги ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, БМТ доирасида халқаро террорчиликка қарши кураш маркази тузиш керак. Бу офатга қарши яққа ҳолда қурашдан наф нам. Халқаро ми-қёсдаги кураш эса террорнинг ижрочиларини-гина эмас, манбасини ҳам йўқ қилиш имконини беради, деган сўзларининг қанчалик муҳимлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Терор бугунги кунда нафақат Ўзбекистонни, балки ер юзида-

ги қарийб барча давлатларни қаттиқ ташвишга солмоқда. Биз — уруш ва меҳнат фахрийлари Президентимизнинг БМТнинг а-роф-муҳит бўйича дастури хузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгаш тузиш ҳақидаги таклифини қизгин маъқуллаймиз. Негаки, Орол муаммоси олам дардиридир. Ўрни келганда таъкидлаш жоиз, икки аср ўртасида бўлиб ўтган қайд этилган сессия иштирокчилари Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти «Мингйиллик Ассамблеяси» Раисининг муовини этиб сайлаганлиги мамлакатимизга — жондан азиз

ЎЗБЕКИСТОН ИМЗИГА БИЛДИРИЛГАН ЮКСАК ИШОНЧНИНГ БЕЛГИСИ

Буларнинг ҳаммаси қалбимизда она Ватанимиз, Президентимиз билан фахрлини ҳис-туйғусини янада жўш урдирди, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустақамлайди. Туманимиз фахрийлари ўзларини ҳамон сафда деб билиб, маҳалларда, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Яхши кунлар учун, оппоқ ниятларимизга эришиш учун ҳамкор урушнинг зарури керак.

Йўлдош ҒАҒФОРОВ, уруш ва меҳнат фахрийси, Тошкент тумани.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК!

У саккиз йил муқаддам меҳнат фаолияти жароҳатланди. Соғлигини бироз тиклагач, ишини давом эттирди. Аммо Тойлок туман кооператив тайёрлов ва савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти (раиси Олим Жўраев) уни 1994 йил 16 майда ғайриқонуний равишда ишдан бўшатди.

Бу масала 1996 йил 10 январда Тойлок тумани судида (судья Х.Насимова), ўша йил 20 майда Самарқанд шаҳар судида (судья А.Қобилов), қайтадан 6 сентябрда яна Самарқанд шаҳар судида (судья Азизов) кўрилган ва негадир бир овоздан жабрдийда В.Панавеннинг даввоси рад этилаверган. Вилоят суди эса ишчи қайтадан кўришни лозим топмаган. Иш тўғрисида «Ғушти еган» дек роса чўзилди. Ва, ниҳоят, 2000 йил 17 март кунин Тойлок тумани суди судья Х.Насимова расислигида бу масалани кўриб, В.Панавен даввосини қаноатлантириш, мажбурий бекор юрган вақти учун 247050 сўм ундириш, унга меҳнат дафтарчасини қайтариб бериш ҳақида қарор қабул қилди. Адолат тан олинди, лекин меҳнат фаолияти пайтида ногирон бўлиб қолган фуқаро ҳамон сарсон бўлиб юрибди. Сабаби у суд қарори ва унинг ижросидан қониқмаяпти. Бунга асос бор. Суд қарориде жавобгар Тойлок тумани улгурчи мева-сабзаот савдо бирлашмаси (бошлиги Олим Жўраев)дан 247050 сўм ҳақ ундирилиши қайд этилган. Лекин бу маблаг мажбурий прогуннинг қанча мuddати учун ундирилаётгани ва бу суммани ҳисоблаш асослари кўрсатилмаган. Тўланаётган бу тоvon пули индексация қилинганми, йўқми? Ана шу каби қатор саволлар жавоб-

ХАТО ТАН ОЛИНДИ

Бироқ ногирон ҳамон сарсон бўлмоқда

сиз қолмоқда. Ҳолбуки, суд қарориде мазкур тўланадиган маблаг қайси даврдаги машога нисбатан ҳисобланганлиги, индексациялаш даражаси, эҳтимол тўтилган тўлов мuddати ҳам кўрсатилганда эди, мақсада мувофиқ бўларди, албатта. Бунинг устига суд қарори ордан шунча вақт ўтганига қарамай ижро этилмай келмоқда. Бизнинг сўрвонмаишга мазкур туман судидан берилган жавобга қараганда ушбу иш бўйича жавобгар бўлган тумани улгурчи мева-сабзаот савдо бирлашмасининг маблаг ва мулки йўқ экан. Шунинг учун унинг раҳбари О.Жўраевнинг шахсий мулки руйхатта олинбди. Мазкур вазиятда жабрланган фуқаро учун тўланадиган маблагнинг қайси манбадан олингани эмас, балки суд қарорининг ижроси, яъни тўловнинг амалга оширилиши жуда муҳимдир. Ижро эса номлагани эмас, ҳаққоний, даъвогарнинг қонуний талабини қондирадиган даражада бўлиши зарур. Бундан ташқари В.Панавен ойма-ой тўланадиган нафақа пулини ҳам ололмаётганидан шикоят қилган. Бу нафақани у ишлаган «Жумабозор» дек-

қон бозори тўлаш керак. Вилоят бозорлар уюшмаси расиси У.Хусанов имзо чеккан хатда шундай дейилган. Афсуски, ишдан ғайриқонуний бўшатилган ҳодимнинг бошқа ҳуқуқлари ҳам айрим мансабдор шахслар сизлиги ҳам қишини ажаблантиради. В.Панавеннинг меҳнат дафтарчасини тўрт йил мобайнида ўзиде сақлаб қолган Олим Жўраев бу ҳажатни суд мажлиси чоғида судга тақдим этди. Шуниси ажабланарлики, меҳнат дафтарчасига дастлаб «Тойлок тумани кооператив тайёрлов сотув бирлашмаси ҳайъатининг 6-сонли қарорига асосан 16.05.1994 йил ва бирлашма раисининг 16.05.1994 йил 51-сон фармоишига асосан (нукта) имзо» - ёзуви қиритилди. Кейинроқ оддий кўз билан ҳам фарқланадиган бошқа дастлатда «Ишдан озод этилди. асос 2000 йил март 17-кунин суд қарорининг ҳулосасига асосан тўлдирилди. имзо. 3 июл 2000 йил» деб ёзиб қўйилди. Эътибор берсангиз вақарнинг ҳолисиде автоқаламининг ранги мослиги ҳам текшириб кўрилган. Хато имзо олдинги сизга ўхшайди. Нима бўлганда ҳам аввало В.Панавени ишдан бўшатилганлиги ҳақидаги буйроқ, сўнг уни суд қарорига асосан тикланганлиги ва пенсияга чиқиб муносабати билан вазифасидан озод этилганлиги қайд этилиши керак эди.

Бу ишнинг анчайин қалқ тафсилотлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Балки мутасаддилар суд қарориде ва жабрланган ходимга шунча маблаг тўланашидан норози бўлишаётгандир. Бундан қатъий назар, аввало суд қарори ижро этилиши шарт. Шуниси аниқки, мутасаддилар амалдаги қонунларга риоя этмаётгани бир ногирон фуқаронинг сарсонгарчилигига сабаб бўлмоқда.

Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Истеъмолчи манфаати — муқаддас

Хукуматимиз томонидан мамлакатимизда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришдек муҳим масалага гоят жиддий эътибор берилмаптир. Ўзбекистон бозорида ҳақиқий соғлом рақобат учун мустақам ҳуқуқий замин яратиш, ташкилий, иқтисодий ва молиявий шарт-шароитларни вуқудга келтириш ҳамда истеъмол товарлари бозорида яққа ҳукмдор бўлиб олишга қаратилган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларга чеқ қўйилиши талаб этилмоқда. Мухбиримизнинг Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тожиқул УРОЗОВ билан суҳбати «Товар бозорларида монополиястик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига қай даражада амал қилинаётгани ҳусусида бўлди.

даражасини ҳисоблашда коэффицентни 59,7 ўрнига 60 баробар ёки 0,3 коэффицент юқори белгилаш ҳисобида «Автогеҳизмат» ҳиссадорлик жамияти 94,8 минг сўм, «Санзор-Лада» ҳиссадорлик жамияти 87,6 минг сўм ортиқча даромад олганликларни аниқланди. «Ўздонмахсулот» Давлат акционерлик корпорацияси тизимида қарашли 11 та корхонада ўтказилган текширишда хом ашё ва материаллар нархларини тўғридан-тўғри ва устама-ларни асосиз ошириш,

жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Масалан, «Жиззахобдончилик» ҳиссадорлик жамиятида ҳар тонна асфальт ишлаб чиқариш таннари хига 75 сўмдан ноконуний харажат ҳисобланиб, унга 50 фоиз самарадорлик даражаси ҳисоблаш ҳамда ҳар тонна сотилган асфальтга 27 сўм 56 тийин қўшимча нарх қўлланиши натижасида 2031,1 минг сўм ортиқча даромад олинган бўлса, 1-қурилиш материаллари корхонасида 93432 сўм, «Оҳак» ҳиссадорлик жамиятида эса 133824 сўм ноконуний даромад қилинган.

НОҚОНУНИЙ ДАРОМАД


Жиззахда бундай «фаолият»га чеқ қўйилмоқда

ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда Дўстлик туманларора ишлаб чиқариш ва таъминот ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятини чеклаб қўйган. Утган даврда ўтказилган текширишлар натижасида асосиз олинган даромадлар жарима билан биргаликда ҳисобланганда 18428 минг сўмини ташкил этди. «Ўзавтосаноат» уюшмаси тизимидаги Жиззах «Автогеҳизмат» ва «Санзор-Лада» ҳиссадорлик жамиятларида хизмат кўрсатиш нархларига қимматлашув

фойда ҳисобидан қопланадиган харажатларни таннарига киритиш, таърифлар ҳамда қўшилган қиймат солигини нотўғри қўллаш ҳисобида жами 1527,4 минг сўм ортиқча даромад олинган. Биргина «Жиззахун» жамоа корхонасида фойда ҳисобидан қопланадиган харажатларни таннарига киритиш ҳисобида 652,9 минг сўм ортиқча даромад қилинган. «Ўзнефтмахсулот» Давлат акционерлик корпорацияси тизимидаги Жиззах нефт маҳсулотлари корхо-

насида фойда ҳисобидан қопланадиган харажатларни таннарига киритиш ҳисобида 1027,1 минг сўм ортиқча даромад олинган бўлса, «Ўзтрансгаз» тизимидаги Галлаорол магистрал газ узатиш бошқармасида устама-ларни асосиз ошириш ҳисобида 110,7 минг сўм ортиқча фойда қўрилган. Жиззах шаҳридаги И.Валиев номили тиббий-техника ишлаб чиқариш корхонасида устама-ларни тўғридан-тўғри ошириш ҳисобида 48,5 минг сўм ортиқча даромад қилинган. Айна шундай ортиқча даромад олишда «Ўзқишлоқхўжалик таъминоттаъмир» тизимидаги 14 та корхона олдига тушадигани топилмади. Мазкур корхоналар 2776,5 минг сўмлик ноконуний даромад олган. Қурилиш материаллари таннарига калькуляциялари «Жиззахобдончилик» ҳиссадорлик жамияти, 1-қурилиш материаллари корхонаси ҳамда «Оҳак» ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятлари ўрганилганда

Суҳбатдош: Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири.



Баҳмал тумани марказидаги «Ўсма» гишт ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти 1992 йилдан буён фаолият кўрсатади. Мана шу қисқа вақт мобайнида катта ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда эса жамоа кунига 25-30 мингта гишт ишлаб чиқармоқда.

Хиссадорлик жамияти 2-Жиззах агроқурилиш ҳиссадорлик жамиятига қарашли қурилиш объектларини маҳсулот билан мунтазам таъминлаб келаёттир. Шунингдек, вилоятдаги катта қурилиш объектларида ҳам ана шу жамиятнинг маҳсулотлари қўл келмоқда. Уларнинг таркибида темир моддаси борлиги туфайли чидамли ва сифатлидир.

Сурапта: ишчи Музаффар Пирназаров. Б.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган сураат.

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.

Курсантларимиз дастлабки ойда бошланғич умумҳарбий тайёргарлик курсини ўтагач, автоматдан отиш бўйича машқларни бажариши ва ҳарбий қасамёд қабул қилиши аъна тусига кирган, — деди шахсий таркиб билан ишлаш бўйича билим юрти бошлиғининг ўринбосари Андрей Богма «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Шуниси қувончлики,

ВАТАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДЕК МУҚАДДАС ВА МАСЪУЛИЯТЛИ ИШ УЛАРНИНГ НАФАҚАТ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ, БАЛКИ ПРОФЕССИОНАЛ ВАЗИФАСИ ХАМ ҲИСОБЛанади.

Директор ўринбосарининг таъкидлашича, бўлажак зобитларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими ўзига хос байрамга айланиб кетди. Республикаимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган курсантларнинг ота-оналари ҳам тадбирда сўзга чиқиши, фарзандлари Ўзбекистонимиз ҳақиқий химоячилари, мардонвор ва етуқ зобитлар бўлиб этишларига тилақ билдирдилар.

Республика Мудофаа вазирлиги бадий ансамбли томонидан уюштирилган концерт билан тадбир ўз нихоясига етди.

Касаба уюшма ҳаёти ТАРМОҚ БИТИМЛАРИ МУҲОФАЗА АСОСИ

Меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофаза этиш, маданий-маърифий тадбирлар ёрдамида дам олишларини яхшилашда жамоа шартномалари ҳамда тармоқ битимлари асосий ҳужжат ҳисобланади. Бунга ҳисобга олган Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Фарғона вилоят қўмитаси, вилоят ҳокимлиги, вилоят Миллий хавфсизлик хизмати, божхона, факултодада вазиетлар, солиқ бошқармалари, прокуратура каби 30 га яқин ташкилот ва муассасалар билан ўзаро тармоқ битимларини тузган эдилар.

Ушбу битимларда асосий эътибор маънавиятнинг юксалтиришга, соғлом авлоднинг камолга етказишга қаратилган. Бу борада қўллаб тадбирлар уюштирилмоқда. Яқинда вилоят тармоқ қўмитаси томонидан шу қўмита таркибига кирувчи касабаси уюшмалари ўртасида «Соғлом авлод, аҳил оила-жамият таянчи» шиори остида ўтказилган кўрик-танлов ҳам шулар жумласидандир.

Икки босқичда ўтган ушбу танловнинг якуний босқичи Аҳмад ал-Фарғоний номли дам олиш масканида бўлди. Унда тўққиз оилавий жамоа шэрий, мусиқий ёки саҳна кўрсатишлари орқали танишув, узоқлик, «Ким қачон?», «Менинг бўш вақтим» мавзулари бўйича беллашдилар. Унда ўз маҳоратларини кўрсатган марғилонлик Эргашевлар оиласи 147 балл тўплаб биринчи ўринни эгаллади. Охунбобоев туманидан иштирок этган Раҳмоновлар оиласига иккинчи ўрин nasib этди. 143 баллни қўлга киритган Фарғона шаҳри вакиллари - Маҳмудовлар оиласи эса учинчи ўринга эришди. Қолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бундан ташқари вилоят қўмитаси адабиёт, санъат ва бадий ҳаваскорлик бўйича «Ўзбекистон - Ватаним меним» кўрик-танловини ҳам уюштирди. Унда Фарғона шаҳридаги 32 - маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Дилором Хонкелдиева халқ оммавий ижодиёти соҳасида голиб деб топилиб, 17 минг 500 сўмлик пул муқофотига сазовор бўлди. Ҳозирда Дилором опа фарзандларимизга ушбу хунарларни ўргатиши максатидда маҳалла қўмитаси қошида тўғрақ ташкил этган. Эндиликда бу тажриба бошқа маҳаллаларда ҳам оммалаштирилмоқда.

Вилоят қўмитаси хайрия ишларига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Хусусан, шаҳар ногиронлар уйига 50 минг сўмлик бадий адабиётлар ҳада этилди. Тармоқ тизимида кирувчи корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатаётган кам даромадли ходимларнинг фарзандлари ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида бепул йўлланмалар билан ҳордиқ чиқариб, даволандилар.

Меҳнаткашларни соғломлаштириш ишлари касабаси уюшмаларининг доимий эътиборида бўлиши лозим, — дейди тармоқ вилоят қўмитаси раиси Аввазон Маматхонов. — Шу боис тармоқ корхона ва ташкилотларида хизмат қилаётган 294 нафар ишчи-хизматчилар «Чимён», «Чортоқ» санаторийларига, «Зилон», «Кизилтепа», «Турон» каби физиотерапевтик усуллар билан даволовчи шифо масканларига йўлланмалар билан таъминландилар. Шу мақсад жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 7 миллион сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди.

Бундан ташқари ёрдам сўраб мурожаат этган меҳнаткашларга тегишли миқдорда моддий ёрдам ажратилмоқда. Пенсияга кетган фахрийларимиз ҳам эътибордан четда қолмаёттир. Энг улуг, энг азиз байрамимиз бўлган Мустақиллик шодибаҳолида уларга ҳам зарур моддий ва маънавий ёрдамлар берилди. Мамнуният билан таъкидлаш керакки, тизимда жамоа шартномаларининг бажарилиши ҳам доимий назоратга олинган. Касабақўмларнинг саъй-ҳаракатлари билан меҳнаткашлар барча ҳуқуқий имтиёзлардан фойдаланмоқдалар.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, «Ишонч» муҳбири.

ҚўШМА КОРХОНА

Қува туманидаги Қўшқечик қишлоғида қурилаётган тўқимачилик мажмуининг биринчи навбати ишга туширилди. Швейцария ва Италияда ишлаб чиқарилган замонавий тўқув дастгоҳларида юзга яқин қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда. Корхонада ҳозирча ойига 120-140 тонна калава ил таёрланмоқда.

Тўқимачилик мажмуи тўла ишга туширилгач, унда дастлаб калавадан тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланади, кейинчалик эса кийим-кечак тиқиш ҳам йўлга қўйилади. Шунда корхонада мингга яқин қишлоқ ёшлари доимий иш ўринлари билан таъминланади. Тумандаги янги касаб-хунар коллежи эса корхона учун керакли мутахассисларни тайёрлаб беради.

ҚИШЛОҚДА КОЛЛЕЖ ИШГА ТУШДИ

Қўштепа қишлоғида саноат касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди. Бу ерда ўқувчилар ва ўқитувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Коллеж замонавий жиҳозлар ва турли хил техника билан жиҳозланган. Шунингдек, билим юртида амалий ва назарий машғулотларни олиб борувчи тажрибали ва моҳир ўқитувчилар бор.

Бу йил Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида 14 та хунар-техника коллежи ва битта академик лицей қад ростлади. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ижроси доирасида 2005 йилгача 131 та касб-хунар коллежи ва 16 та академик лицей қурилади.

Заршуносга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Баҳористон-Қашқадарё вилоятидаги чўл туманларидан бири. Ишчи кучи етишмаслиги боис, асосий тармоқ ҳисобланган пахтачиликка ёрдамчи қўшиндан фойдаланилади. Ўзга яганаси ва ҳосил йиғим-терими мавсумларида хатто четдан қўшимча куч — ҳашарчилар жалб этилади. Ҳиммати баландлар иш унуми эса уларга яратиб берилган шарт-шароитга боғлиқ, албатта.

Туманнинг барча хўжаликларида терим қўшиқини авж олмақда. Яқин орада бу ишга шаҳарлик ҳашарчиларни жалб қилиш режалаштирилган. Улар ёрдамида ҳосилнинг 40-50 фоизи саранжомланади, деган мўлжал ҳам бор. Ҳўш ҳашарчилар яъни қўшиндан дала шийпонлари мавсумга шайми?

— 7 та хўжаликдаги 46 та дала шийпонининг 20 таси мавсумга шай, — дейди туман тармоқ касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Эшдавлат Хўжанов. — Бу борадаги ишлар вилоят агроаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси қўмитаси комиссияси томонидан ўрганилиб, қоникарсиз деб топилди.

Йиғим-теримга тайёргарлик юзасидан қўмита белгиланган тадбирлар ҳақида сўраймиз. — Ҳали тадбир белгиланганимиз йўқ, ҳашарчилар келаверсин, бугеги бир гап бўлар, — дейди Э. Хўжанов.

Дала айлиниб шийпонларнинг бир нечтасида бўлди. Очиги, «Ўзбекистон» жамоа ширкат хўжалигининг Бекмурод Ортиқов, А.Темур номили хўжалигининг Янгибўи Ойматов, «Кўҳна-Фазли» хўжалигининг Бекмурод Норқулов раислик қилаётган ширкатларга қарашли

хатто супириб-сидирилмаган. Шийпон атрофини янтоқ босган. Эшик ва ромлар йўқ. Бирор-бир ишчи киришмаганига қарамай ширкат раиси Р.Чориев бир кунда барча камчиликларни тўла бартараф этиб, шийпонни тахт қилишга ваъда берди. Қизик, икки-уч ойда бажарилмаган иш қандай қилиб бир кунда бажариларкан...

Бахтиёр Товошаров раҳбарлигидаги 5-ширкат дала шийпонларининг ҳолига маймуналар йиғлайди, десак хато қилмаган бўламиз. Туман маркази билан Гулистон қишлоғини боғ-

Бундай «ШИЙПОН»дан ЧАЙЛА АФЗАЛ

— Шийпонлар мавсумга тайёрий-деб А.Юсуповдан сўраганимизда у: — Ҳали ремонт қилмадик, — дегани янада хайратланарли.

Айтишларича, бир неча кун илгари вилоят миқёсидаги комиссия хўжалик дала шийпонларининг ҳақиқий аҳволининг ўрганиб, бу борада ҳали бирор иш қилинмагани учун танқидий фикрлар билдирган экан. Яна бир неча дала шийпониди бўлганимизда комиссия дашонидан ҳали тегишли хулоса чиқарилмаганига амин бўлди.

Хўжалиқнинг Ражаббой Чориев раислик қилаётган 4-ширкатига қарашли дала шийпониди 8 та хонанинг бирортаси таъмирлаш у ёқда турсин

лайдиган йўлнинг шундоқина ёқасида 2 та шийпон жойлашган. Ҳар иккаласининг ҳоли «томошабоп»лигидан дил ранжийди. Шийпонлар ва уларнинг ёрдамчи иншоотлари қаровсизликдан гоят ачинарли ҳолга келиб қолган. Аксарият эшик ва ромлар жойидан кўчириб олинган. Эшикларни ёпиб-очиш хавфли. Негаки атрофидан сувоқлар жойидан кўчиб турибди, электр симлари пала-партиш уланган. Ховуларни тозалаш ҳамда таъмирлаш ҳамда уйлаб қўрилмаган. Шийпон атрофи ва айрим хоналарда темир-терсак учун сочилиб ётибди. 5-ширкатнинг барак услулди қурилган шийпоннинг 2 та хонасидан эса бир неча йилдан

Хамид ПИРИМҚУЛОВ.

Ижтимоий ҳимоя

ҚАЛБДА ИШТИЁҚ БЎЛСА...

Корхонамизда 20 га яқин миллат вакиллари ҳамкору—ҳамжиҳатликда меҳнат қилишади. Маъмурият, касабаси уюшмаси қўмитаси ишчи—хизматчиларининг самарали ишлашлари, кўнгилли дам олишлари учун барча шароитни муҳайё этишга ҳаракат қилмоқда. Ана шу мақсад йўлида белгиланган тадбирларимиз жамоа шартномасида ўз ифодасини топган. Унга кўра аёлларга, кўп йиллик иш стажига эга бўлган қишларга алоҳида имтиёзлар берилган. Хусусан, «Соғлом авлод йили» муносабати билан аёлларимиз таътил кунларига беш кун қўшиб берилди. Ун-саккиз квадрат метргача бўлган хонаноларда истиқомат қилаётган пенсионерларимиз барча коммунал тўловлардан озод қилинганлар. Ишчи ёки хизматчининг пенсияга кузатаётганимизда энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда муқофот, пули ажратилади.

Сўнгги йилларда спортга бўлган муносабат тўдан яхшиланди. Корхона тасарруфидаги спорт мажмуаси, чўйилши ҳавзаси, футбол, волейбол майдонлари, теннис корти ҳамиша гавлашган. Ишчилар шаҳарчасида жойлашган иккита волейбол ҳамда баскетбол майдонлари ҳам ёшларнинг севимли масканидир. Кўп сонли жамоа талаби инобатда олинди, энг сўлим гўшада жойлашган дам олиш уйи, болалар оромгоҳи ёз ойлари давомида намунали ишлади. Ишчиларимиз, уларнинг фарзандлари кўнгилли дам олдилар. Бозор шароитида ходимларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига эътибор кучайтирилиб, қўшимча имкониятлар ишга солинди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳар бир ишловчи учун ўрта ҳисобда 20 минг сўм атрофида мадад пули ажратилди. Қайфиятга кўп нарса боғлиқ. Юқорида амалга

оширилган саъй-ҳаракатлар шарофати билан корхонада меҳнат унумдорлиги ортиди, интизом мустаҳкамланди, режалар ортиги билан адо этилмоқда. Энг муҳими ишчилар унумли ишлаш билан бирга янги-янги ташаббуслар билан майдонга чиқишмоқда. Ҳадемай «Наманганшина» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Рақобатбардош маҳсулотларимизнинг илк намуналари юқори сифат кўрсаткичига эга эканлиги эътироф этилди. Бу жамоамиз кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшиди, ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишга чорлади.

Т.УМАРОВА, Поп туманидаги «Ўзбекистон Урамли томёпкчи ашёлари комбинати» акционерлик жамияти касабаси уюшмаси раиси.

ХОРАЗМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Урганч шаҳрида шошилч тиббий ёрдам маркази ишга туширилди. Вилоят йўл қурилиш идораси ҳамда қурилиш трести қурувчилари томонидан бунёд этилган бу шифо маскани 145 уринга эга бўлиб, унинг вилоятдаги 10 та туманда бўлимлари ҳам очилди.

Бугунги кунда аҳолига намунали хизмат кўрсатиш учун бу ерда барча шароитлар мавжуд. Жумладан, 5 та «Дамас» русумли «тез тиббий ёрдам» машинаси, 50 миллион сўмлик замонавий тиббиёт ускуналари шиφοкорлар оғирини ёнги қилмоқда.

Хонқа туманида 600 талабага мўлжалланган маиший хизмат касб-хунар коллежи очилди. 947 миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган бу илм маскани биринчи йилдаёқ меҳнаткашларнинг 200 нафардан зиёд фарзандларини ўз бағрига олди.

Урганч шаҳрида Жалолитдин Манғуберди номили клуб очилди. Пойтахт ўсмирлари бу ерда спортнинг бокс тури бўйича шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

Долзарб мавзу

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг III Курултойида қабул қилинган ҳужжатлар қасаба уюшмалари фаолиятини янада жонлантиришида муҳим аҳамиятга эгадир. Анжуманда катъий қилиб қўйилган талаблар ўз устимизда кўнгил билан ишлашимиз, билим ва тажрибамизни муттасил ошириб боришимизни тақозо этади. Туман қасаба уюшмаси ҳокимлик, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, меҳнат биржаси билан битим тузиб, белгиланган шартларни бекаму-кўст бажаришга ўз эътиборини қаратиб келмоқда.

Шаббускор, иқтисодий ва сиёсий билимларга эга, янгича фикрловчи ёшлар ва айниқса, аёлларни жалб қилиш масаласидир. Таъкидлаш лозимки, 32 та бошланғич қасаба уюшмаларимиздан 15 тасида штарти, қолган 17 тасида жамоатчилик асосида кўмита раислари ишлаёт-

кўрсатмоқда. Маъмурият билан қасаба уюшмалари ҳамкорликда серфарзанд оилаларга, ногиронлар, боқувчисини йўқотганларга моддий ёрдам беришмоқда. Соғлом авлод тарбияси оила, боғча ва мактаб билан ҳамкорликда бўлиб келишмоқда. Ижтимоий ҳимоянинг энг яхши воситаларидан бири бу, шубҳасиз ўз вақтида меҳнатга ҳақ тўлашдир. Чунки, сир эмаски,

оқолмапмиз. Меҳнаткашларни соғломлаштириш, физкультура ва спортга эътибор бериш масалалари курултойида алоҳида мавзу сифатида кўтарилгани бежиз эмас. Хусусан, туман кўмитамиз ва барча бошланғич ташкилотлар белгиланган режа асосида ҳамда ҳимой ташкилотлар ёрдамида турли кўрик-танловлар, спорт мусобақаларини ташкил этиб келаяптилар.

Шартнома шартларининг бажарилиши ҳар чоракда кўриб чиқилмоқда. Бу борада Т.Салимов номли, «Истиклол», «Бухоро», Ибн Сино номли, Навоий номли жамоа хўжалиқларида ибратли ишлар қилинаётди. Лекин «Андижон» ижара шарҳат хўжалиги, «Агротазмиркурилик», «Техника» кичик корхоналарида шартнома мажбуриятларининг амалийлигини таъминлаш кўнгилдагидек эмас. Бунга масъулиятни чуқур ҳис этмаслик, назоратнинг сустлигини сабаб қилиб кўрсатиши мумкин.

МЕҲНАТГА ВАҚТИДА ҲАҚ ТЎЛАШ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ЭНГ ЯХШИ ВОСИТАСИ

Ҳафта душанбасида мактаблар куни ўтказилаётди. Ҳар бир хўжалик эса ўз ҳудудида жойлашган мактабга 1 гектардан ер, экиш учун техника, уруғлик бериши лозим. 2 нафар аълочи ўқувчига мукофот таъсис этилган. Шароити ноҳорроқ оилаларнинг фарзандларига кийим-кечак, ўқув қуроллари харид қилишга ёрдам берилди. Шундай мақсадлар учун биргина «Истиклол» ширкат хўжалиги салкам 150 минг сўмлик маблағ сарфлади. Туман қасаба уюшмаси 10 минг

қашлоқ хўжалик соҳасидаги энг катта муаммо ойма-ой иш ҳақи берилишига эришиш масаласи бўлиб турибди. Иил давомида вақти-вақти билан тўла бўлмаган маош, натура ҳолатида маҳсулот берила-япти. Лекин шунга қарамай ҳамон иш ҳақидан қарздорлик давом этмоқда. Хўжалиқларнинг жамоа аъзоларидан қарзи 110 млн сўми ташкил қилаётди. Шу сабабли ҳам биз аъзолик бадалларини, айниқса, ижтимоий сугурта маблағларини ўз вақтида

жиҳозлари етишмайди. Хўжалиқларда белгиланган режа асосида спорт мусобақалари ўтказилмайди. Ҳатто туман миқёсидаги мусобақада «Мустақиллик», А. Темур номли жамоа хўжалиқлари ўз вакиллари иштирокини таъминлай олмадилар. Туманимиз қишлоқ хўжалик ходимлари учун амалдаги йил баракали келди. Пиллакорларимиз режани бажардилар. Дон етиштириб чиқариш бўйича белгиланган топшириқ ҳам ортиги билан адо этилди. Дехқонларимиз 55000 тонналик пахта хирмони учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Энг муҳими, туманимиз меҳнаткашларининг руҳи тетик. Қасаба уюшмалари уларнинг меҳнат қилиши, дам олиши, саломатликларини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча чораларни кўрмоқдалар.

Карим САИДОВ, Жондор тумани агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма кўмитаси раиси.

ТАДБИРКОРЛАР САҲОВАТИ

Эл-юрт равнақи йўлида фидойиллик кўрсатаётган тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати туфайли мамлакатимизда товар ишлаб чиқариш, шу аснода иқтисодийни ривожлантириш, ишсизлик муаммосини ҳал қилиш борасида хайрли қадамлар қўйилмоқда.

Йил ўттиз ўринга мўлжалланган «Қирол» кафесини ташкил қилди. Собиржон ака энг аввало ишни институт қасаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда олиб борди, натижа ёмон бўлмади. Тадбиркор ҳам, институт ходимлари ҳам катта наф қўрди. Аввало институт ходимларига 30 фоиз миқдорда имтиёзли тушлик ташкил қилинди. Зарарли шароитда ишловчи ходимларни сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашни ўз зиммасига олди. Турли хил юбилей, тадбирлар ўтказишда у бошлиқ жамоа доим хизматда. Бундан ташқари тадбиркор аҳолини кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва истеъмолчи талабини тўлароқ қондириш, мақсадида жаҳон андозалари талаблари даражасида минимаркетни ишга туширди. Натижада яна бир неча кишини иш билан таъминлаш имкони туғилди. Айни пайтда тадбиркор ўзининг галдаги режасини амалга ошириш арафасида. Яъни, ҳўл мева, помидор ва бошқа маҳсулотларни қайта ишловчи консерва цехини ишга туширмоқчи.

САВОЛГА ЎРИН ҚОЛМАДИ

Таъкиб қилинмаслиги очик-ойдин белгилаб қўйилган, - деди республика Олий судининг раиси, Убайдулла Мингбоев, - бизда диний эътиқоди учун озодликдан маҳрум этилган бирон-бир шахс йўқ. Лекин дин нўқоби остига яширинди олиб, жинояткорона ишлар билан шугулланиб юрганлар, йўлдан озган кимсаларни конституцион тўзумни ағда-сиз қилишга даъват этгани учун ҳам жавобгарликка тортилган шахслар бор. Уларни асло сиёсий маъбуслар деб бўлмайдди. Ўзбекистонда ҳеч қандай сиёсий маъбуслар йўқ.

Баъзи ҳуқуқ посбонлари таъмагирлик мақсадида бадавлат оилалар фарзандлари орасидан «Хизбут-таҳрир» аъзоларини қидираётганликлари хусусидаги гапларга ўз муносабатини аниқ билдирсангиз? - деган саволга республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Парпиев «Бу ўша экстремистик гуруҳлар ўзларини оқлаб, бизнинг шаънинимизни ерга уриш мақсадида қасддан тарқатаётган уйдирмадир», - дея жавоб берди, - бизга бу хусусда фуқаролардан ҳеч қандай шикоят тушгани йўқ.

Ғофуржон Исмаиловнинг ташаббуси билан бир неча йил олдин «Йўлчи Юлдуз» савдо хусусий корхонаси ташкил этилган эди. Ушанда у Ҳамза тумани ҳокимлигига сув бўйидаги ташландиқ бир жойни ободонлаштириб, кишилар дам олиб хордиқ чиқарадиган баҳаво масканга айлантириш тақлифи билан чиққанида муттасаддилар ҳам жон деб маъқуллашди. Сабаби, олдин дилингиз хира тортадиган жой, эндиликда кўркем манзара касб этган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил биринчи ярми яқунларига бағишлаб ўтказилган йилги шайхидда Республикаимиз Президенти «...маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари аҳолига савдо хўжалик кўрсатиши яхшилаш, савдо ташкилотлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш, замонавий савдо шакллари ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўришлари зарур» деб алоҳида таъкидлаган эдилар. Айни пайтда ишбилармон ва тадбиркорлар фаолиятини янада кенгайтиришга, улар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашда ҳукуматимиз қарорлари дастуриямал бўлмоқда.



Ғофуржон аканинг асли касби — рассом. Табиати севади, ҳар бир нарса инсон эътиборида бўлиши, унинг гўзаллиги аслича сакданиб қолиниши лозим, дейди. Ўз ишига ҳам рассом — ижодкор нигоҳи билан қарайди. Корхонанинг ташқи кўринишини табиат билан уйғунлаштира билди. Ҳозирда савдо хусусий корхонасида етмиш турдаги ўзбек, европа, уйғур, хитой таомлари тайёрланади. Корхона қошида новвойхона фаолият кўрсатиб турибди. Жамоада 15 нафардан ортик киши меҳнат қилади. Ишчиларнинг ойлик маошлари ҳам чакки эмас — 14-15 минг сўми ташкил қилмоқда. Бу ерда бир вақтинч ўзида 180 миқозга хизмат кўрсатиш имконияти бор.

— Бизнинг юртимизда хом ашё базаси етарли. Имониятимиз ҳам шунга яраша бўлади. Экспорт салоҳиятимизни ошириш ҳам ўз қўлимизда. Цех ишга тушса, маҳсулотларни Россиянинг бир қанча вилоятларига сотиш режалаштирилган.

Мамлакатимиз пойтахтида қад ростилаган «Ўзсавдомарказ»ни бунёд этишда кўпгина иқтисодий ёшлар иштирок этдилар. Уларнинг жонқуялиги, масъулиятини чуқур ҳис қилганликлари туфайли бу аjoyиб савдо ярмаркаси ғоят кўркем ва салобатли кўриниш касб этди.

ланган чеклашларга риюа этган ҳолда амалга оширилди. 123-модда. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш Ҳисобга олиннадиган даврдан иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмайдиган шарт билан корхонада иш вақтини

Тадбиркор саховат, муруватни асло унутмайди. Қўли очиклик улар ишига баракка келтиришни кўп мартабала синаб кўрди. Тумандаги 30-Меҳрибонлик уйи оталиққа олинган, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, турли хил маданий тадбирларда кўмак бериш корхонанинг диққат-эътиборида. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳам таъминланган оилаларга баҳоли-қудрат кўмак бериб келинмоқда. Тумандаги яна бир тадбиркор Собиржон Ортиқхўжаев дастлаб ишни «Ўзенилсановатлоийха» институти биносида эски омборхонани ижарага олиб, ўз маблағи ҳисобидан таъмирлади. 1995

Давур ТУРОН, «Ишонч» муҳбири.

Ушбу саволларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига яхлит тушунча берилган. Хусусан, 120-моддада таъкидланишича, иш ҳафтасининг тури (икки кун дам олиннадиган беш кунлик иш ҳафтаси ёки бир кун дам олиннадиган олти кунлик иш ҳафтаси) ва иш вақти режими (кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати, ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишдаги танлашуслар вақти, сутка давомидаги смена вақти, иш кунлари ҳамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмашиниши, ҳодимларнинг сменадан сменга ўтиш тартиби) корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса, - ҳодим билан иш берувчининг келишувига биндан белгиланади.

жамлаб ҳисобга олиш жорий қилиниши мумкин (115-118-моддалар). Бунда ҳисобга олиннадиган давр бир йилдан, кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати эса ўн икки соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўланиш тартиби, шунингдек, ҳисобга олиннадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар жамоа шартномасида белгиланади, агар у тузилмаган бўлса, - иш берувчи томонидан қасаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакилик органи билан келишиб белгиланади.

ТАШАББУС СЎНМАСИН, ТАШАББУС ЎЛМАСИН! БИЗНЕС ЛОЙИҲА МАЪҚУЛЛАНДИ

Оролбўйи ҳудудида истикомат қилувчи аҳолига маддадор бўлиш, одамлар турмуш тарзи яхшиланishiга кўмаклашиш тадбирлари кенг миқёсда олиб боришмоқда. Мамлакатимиз Президентининг бу борадаги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорлари билан ушбу минтақага мунтазам равишда ёрдам берилаёпти. Айниқса, тоза ичимлик суви ва табиий газ етказиб бериш йўлида катта ишлар бажарилди. Шу билан бир қаторда Қорақалпоғистондаги экологик мушкулликларни бартараф этишда хорижий давлатлар корхона ва ташкилотлари, нодавлат тузилмалар, қўллаб-қувватлаш ҳам тахсинга лойиқ омушларни адо этмоқдалар. Хусусан, Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси Нукус филиалининг фаолияти, айниқса, ибратлидир. Бу нодавлат ташкилотнинг вазифаси аҳолини ижтимоий ҳимоялашда кўмаклашишдир. Ушбу ташкилот, 1998 йилдан бери фаолият кўрсатапти. Шу муддат

да аҳолига ижтимоий кўмаклашишга йўналтирилган 3 миңдан зиёд бизнес лойиҳалар қабул қилинди. Улардан салкам бир ярим миңтаси амалга оширилиши учун ярим миңлар сўм маблағ ажратилди. Самара қўтилганидан ҳам яхши бўлди. 2400 янги иш ўринлари яратилди. Харидор-ғир маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда халқаро жамғарма Нукус филиалининг Чимбой, Қўнғирот, Бўстон ва Нукус шаҳарларида 4 та агентлиги ишляяпти. «Орол» ижтимоий кўмаклашиш жамғармасининг Бўстон агентлиги фаолияти анча самарали бўлмоқда. Бу хусусда агентлик директори Рўзимов Олимов қуйидагича хикоя қилади: — Бўстон агентлиги Тўртқўл, Бериш, Амударё ва Эллиқалъа туманларига хизмат кўрсатади. Маблагдан қўйналаётган тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжалиқларига имтиёзли қарз бериб, уларнинг мушуқлини осон қилмоқ-

да. 122-модда. Тунги вақтдаги ишнинг муддати Соат 22-00 дан то соат 6-00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади. Ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан, ишлаб чиқариш узлуқсиз бўлган жойларда, шунингдек, бир кун дам олиннадиган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишланмайдиган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаштирилади. Ходимларнинг тунги вақтдаги ишга жалб этиш ушбу Кодекснинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белги-

ланган чеклашларга риюа этган ҳолда амалга оширилди. 123-модда. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш Ҳисобга олиннадиган даврдан иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмайдиган шарт билан корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилиниши мумкин (115-118-моддалар). Бунда ҳисобга олиннадиган давр бир йилдан, кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати эса ўн икки соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўланиш тартиби, шунингдек, ҳисобга олиннадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар жамоа шартномасида белгиланади, агар у тузилмаган бўлса, - иш берувчи томонидан қасаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакилик органи билан келишиб белгиланади. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш айрим тоифадаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш хусусида белгиланган чеклашларга

Абду РАҲМОН, «Ишонч» муҳбири.

Давомий бор.

«ШОДЛИК» ШОДЛИККА ТЎЛДИ

Зарафшон шаҳар ҳокимлиги ва Навоий қон-металлургия комбинати ҳамкорликда янги «Меҳрибонлик уйи»ни қуриб, фойдаланишига топширди. Бу ерда Зарафшон шаҳри, Учқудук, Томди ва Қонимех туманларидан келган 50 нафардан зиёд болалар тарбияланади. «Меҳрибонлик уйи»га «Шодлик» номи қўйилди. Бу бежиз эмас, албатта.

«Меҳрибонлик уйи»нинг очилиш маросимига «Далол», «Руслан», «Атлас» кичик корхоналари, «Агама», «Агама-104» фирмалари, «Наврўз» акциядорлик жамияти вакиллари ва тадбиркорлар таширф буюриб, болажонларга ўзларининг совға-саломларини ҳада этишди. Корхоналар томонидан компьютерлар, ўқув дарсликларини, кийим-кечак, спорт анжомлари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Ҳомий ташкилотлар аниқлашиб, бундан кейин ҳам жажжи болалар ҳолидан доимо хабар олиш, савоб ишни давом эттиришга келишиб олинди.

«Президент кубоги - 2000»

БАСТЛ БУ ЙИЛ ҲАМ «КАШФИЁТ»ГА АЙЛАНДИМИ?

Гўзал ва мухташам «Юнусобод» теннис кортларида саралаш баҳсларидан сўнг асосий беллашувлар бошланди. 32 нафар энг кучли теннисчилари жамлаган яққалик учрашувларини жаҳон теннис рейтингда 34-ўринни эгаллаб турган Грег Руседски ва Арманистоннинг биринчи ракамли теннисчиси Сяргис Сяргисян бошлаб берди.



Дарвоқе, мусобақа аввалида ушбу учрашувнинг гоёт кескин ва қизиқарли ўтиши кутилганди. Зеро, арманистонлик «ракетка устаси» ўтган йилги турнирда ўзининг чиройли ўйинлари билан мухлислар ёқимтойига айланган бўлса, Г.Руседскининг нимага қодирлиги эса барчага маълум эди. Шундай ҳам бўлди. Икки сет давом этган учрашув мобайнида ташаббус гоҳ Г.Руседски, гоҳ С.Сяргисян томонида бўлди. Биринчи сетнинг дастлабки икки геймини кўтаринчилик билан бошлаган Грег кейинги геймларда имкониятни бой берди: 2/3. Лекин бу йилги «Президент кубоги»га катта ниятлар билан ташриф буюрган турнирнинг 5-ракамли теннисчиси Г.Руседски кетма-кет кучли зарбалари натижасида биринчи сетни галаба билан якунлади: 6/3.

Вазиятни тўғри баҳолаган С.Сяргисян иккинчи сетни анча ҳужумкорлик билан бошлади. Хатто у тўққизинчи геймдан сўнг 5/4 ҳисобида галаба қозонаётган ҳам эди. Сетни голиб сифатида тугалаш учун бир қадам олган эди, гўё. Бироқ, омад кучлиларга кулиб боқди, деган ақида яна ўз исботини топди. 7/5

С.Гроен ва Ж.Симеринкларга омад кулиб боқди. Улар кейинги босқич беллашувларига йўланмани нақд этиб қўйдилар. Грег РУСЕДСКИ, турнирнинг 5-ракамли теннисчиси:

— Мен йилдан-йилга нуфузи, обрўи ошиб бораётган ушбу турнирга бу йил эртароқ ташриф буюрдим. Сабаби ўтган йилги мусобақаларда омадим юришмаган, яхши ўйин кўрсата олмаган эдим. Бу сафар эса финалда ўйнаш ниятим бор. Тўғри, финалга қадар бўлган йўлда

ва Г.Руседски кейинги босқичда. Шу кун асосий кортда бўлиб ўтган Франция теннисчиси Седрик Пиолин ҳамда швейцариялик Жорж Бастл ўртасидаги учрашув ҳам «олтин копток» ишқибозларида катта қизиқиш уйғотди. Турнирнинг учинчи ракеткаси С.Пиолин ўтган йилги турнир кашфиёти — саралаш баҳсларидан то финалга қадар голибона «юриш» қилган Ж.Бастлдан икки сет натижасига кўра кутилган-кутилмаган мағлубиятга учради: 6/1,6/3.

Шунингдек, яққалик баҳсларида навбатдаги босқичга италиялик Д.Сангинетти, россиялик А.Столяр, франциялик Э.Дюпи, буюк британиялик Ж.Делгандолар ҳам йўл олдилар. Жуфтлик беллашувларида эса швейцариялик Л.Манта ва италиялик Л.Тилеман, югославиялик Д.Вемич ва Н.Зимонич ҳамда голландиялик

С.КАМОЛОВ.

Касаба уюшма спорти



БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС

ишчи-хизматчиларининг 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлари ўртасида ўтказилди. Фарғоналик ёш шахматчи ва шашкачилар А.Юнусов, А.Насриддинова, У.Холиқовлар мусобақа голиби деган номга сазовор бўлган эса, бухоролик ҳамда қашқадарёлик «ақл гимнастикаси» усталарига кейинги ўринлар насиб этди.

— Бугун спартакиада баҳсларида зафар кучдик, — дейди ўз

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

Пойтахтимиздаги сўлим «Трамвайчи» болалар оромгоҳи уч кун мобайнида мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон республикасида келган хаваскор спортчилар, мураббий ва ишқибозлар билан гавжум бўлди. Бу ерда автомобиль транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшмасининг «Соғлом авлод йилига бағишланган I республика спартакиадаси мусобақалари бўлиб ўтди. Иштирокчилар спартакиада дастуридан ўрин олган волейбол, мини футбол, шахмат ва шашка мусобақаларида беллашдилар.

Гоёт қизгин ва мurosасиз ўтган волейбол мусобақаларида иштирок этган 15 та жамоа аввал куръа натижаларига кўра гуруҳларга бўлинган ҳолда мусобақалашиди. Сўнгра ҳар бир гуруҳ голиби ярим финал ва финал баҳсларида совринли ўринлар учун баҳс олиб борди. Финалда фарғоналик автомобиль транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари сурхондарёлик ҳамкасб-рақибларидан устун келган бўлсалар, 3-ўрин учун кечган Навоий ҳамда қашқадарёлик волейболчилар баҳсида омад навоийликларга кулиб боқди.

— «Соғлом авлод йили»да турли тармок ишчи-мехнатчилари ўртасида ўтказилаётган бу каби мусобақаларнинг нечоғлиқ катта аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир эмас, — дейди Андижон вилоят тармок касаба уюшма кенгаши раиси Авазхон Раҳматжонов. — Шу боис ҳам вилоят миқёсида ўтган уч босқичдан иборат мусобақаларни кўта-

ринки руҳда ўтказишга катта эътибор қаратдик. Алоҳида мамнуният билан таъкидлаш лозимки, мусобақалар мобайнида кўплаб талантли ёшларимиз борлигига амин бўлдик. Айниқса, волейболчи йигитларимиз орасида иқтидорлилар кўпчилики ташкил этар экан. Айни кунларда ана шундай ёшларимизни тарбиялаб, мамлакат, қолаверса жаҳон миқёсига чиқаришдек эзгу ниятлар билан яшаймиз. Бунинг учун «Андижонтран» ҳамда «Анди-

жонтран» бирлашмалари раҳбарлари ҳомийлик қилишмоқчи. Дарвоқе, яқин кунларда миллий спорт ўйинлари бўйича тармок ходимлари ўртасида вилоят спартакиадасини ўтказиш ниятимиз ҳам бор. Миллионлаб мухлисларга эга мини футбол учрашувлари ишқибозларнинг тинимсиз оқишлари остида ўтди. Айниқса, Тошкент ҳамда Сурхондарё вилояти футболчилари ўртасидаги финал беллашуви жуда кескин ва қизиқарли ўтганлиги билан барчада катта таассурот қолдирди. Рақиб жамоага нисбатан маҳорат ва тезкорлик бобидан анча устун бўлган сурхондарёлик футболчилар голибликни қўлга киритдилар. Жиззах вилояти вакиллари эса учинчи ўрин насиб этди. Шахмат ва шашка мусобақалари тармок

ҳаяжонини яширолмай фарғоналик Умиджон Холиқов. — Лекин энг асосийси, жуда кўплаб дўстлар орттирдим. Келажақда қайси касб эгаси бўлишимдан қатъи назар, спортчи сифатида хориж майдонларида Ватанимиз байрогини юксак кўтариш ниятим бор.

Ҳа, дарҳақиқат, мусобақалар кескин ва мurosасиз, шу билан бирга чин маънода дўстона руҳда ўтди. Спорт оммавийлиги сари яна бир дадил қадим ташланди.

...Мусобақалар якунланди. Умумжамоа ҳисобида Фарғона, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари вакиллари совринли ўринларни эгаллашди. Голиблар республика тармок касаба уюшма Марказий Кўмитасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Спартакиаданинг махсус совринлари — «Энг кекса иштирокчи» соврини Навоий вилояти мини футбол жамоаси аззоси, 53 ёшли Аҳмад Ҳамидовга, «Энг ёш иштирокчи» соврини Қашқадарё вилояти шахмат-шашка жамоаси аззоси, 8 ёшли Аҳрор Нодиржоновга топширилди. Шунингдек, шу кунги ўн ёшга кирган истеъдодли шахматчи Нодира Нодиржоновга ҳам совғалар тақдим этилди.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

Саломатлик — энг катта бойлик. Инсон орзу-ниятларига эришиши учун аввало тўрт мучаси саломат бўлиши керак. Шу боис, мамлакатимиз раҳбарияти мустақилликнинг биринчи кунларидан бу долзарб масалага алоҳида эътибор бериб келмоқда. Мақсадга эришишнинг омилларидан бири фуқароларнинг спорт-соғломлаштириш ишларига кенг жалб этишидир. Бу борда касаба уюшмалари томонидан ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Соғлом авлод Дастурига биноан Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги Ал-Фарғоний номли сихатгоҳда одамларнинг узоқ вақт эсида қоладиган аjoyиб спартакиада ўтказилди. «Ўзбексавдо», «Ўзбеквирлашув» ҳамда Ўзбекистон савдо, умумий оvқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмалари Марказий Кўмитаси ташаббуси-ю ҳомийлигида ташкил этилган қизиқарли мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва аксарият вилоятларнинг тармок касаба уюшмалари спортчилари иштирок этдилар.

Тадбир чинакам спорт байрамига айланди. Унинг қатнашчилари учун спартакиада олдида гўзал Фарғона бўйлаб саёҳатлар, учрашувлар уюштирилди. Очилиш маросимида йиғилганларни «Асал» дастаси концерт дастури билан муборакбод этди.

— Уч кун давомида спортнинг тўрт тури — мини футбол, волейбол, стол тенниси ҳамда дартс бўйича қизгин баҳслар бўлиб ўтди, — дейди анжуман ташкилотчиларидан бири Муҳаббатхон Ҳошимова. — Дартс спорт тури бўйича биринчи ўрин Фарғона вилояти, иккинчи ўрин Сурхондарё вилояти, учинчи ўрин эса Наманган вилояти спортчиларига насиб этди. Ушбу спорт тури бўйича ўтказилган шахсий беллашувда фарғоналик Н.Омонова, А.Ортиқов биринчи ўринни, сурхондарёлик М.Нуралиева, А.Исмоилов, А.Обидов иккинчи ўринни, наманганлик К.Иномова, Т.Исабоев, К.Мамажонов учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Ҳозирги кунда теннис энг севимли спорт турларидан бири. Шу боис, бу борадаги баҳсларга қизиқиш ниҳоятда катта бўлди. Гўзал Наманган вилояти теннисчилари спартакиада голиби бўлдилар. Мини футбол бўйича биринчи ўрин Фарғона вилояти футболчиларига насиб этди. Андижонлик спортчилар эса волейбол соҳасида барчани ортда қолдирдилар.

Спартакиада қанчадан-қанча ёшларга қувонч, завқу шавқ бағишлади. Уларни спорт билан яқиндан ошно этди. Унутилмас тадбир сўнгида голиблар дипломлар ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

А.ТЎХТАСИНОВ, «Ишонч» мухбири.

ЁШ ТЕННИСЧИЛАР ТУРНИРИ

Тошкентда «Соғлом авлод учун» Кубоги учун болалар ўртасида Теннис бўйича туртинчи халқаро турнир бошланди. Турнир «Камолот» спорт клубининг кортларида бўлиб ўтмоқда. Мазкур турнир «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, Ўзбекистон Теннис федерацияси ва Теннисни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, шунингдек, Тошкент шаҳар бўлими ёрдамида туртинчи мартаба ўтказилмоқда. Бу йил Ўзбекистон Миллий банки, «Олтин мерос», «Наврўз», «Камолот» ва Республика болалар жамғармалари ҳам ташкилотчилар сафига қўшилди.

Турнирда 14 ёшгача бўлган ёш спортчилар иштирок этмоқда. Турнир тақомиллаштирилган олимпия тизими бўйича фақат яқка тартибда ўтказилляпти. «Соғлом авлод учун» Кубоги учун бўладиган мусобақаларда беш кун давомида юзга яқин ёш теннисчиси ўзаро беллашади.

1895 йилда Ганстингсда шахмат тарихидаги энг зўр турнирлардан бири бўлиб ўтди. Ҳали ҳеч қачон бундай номдорлар гуруҳи жамланмаган эди. Янги шахмат кироли Ласкер, Стейниц, бу унвонга икки асосий талабгор - Чигорин ва Тарраш... Мутасаддилар ушбу мусобақани жаҳон чемпиони билан тож талабгорлари ўртасидаги чигал муносабатларни оидинлаштиришига ишонган эдилар.

Турнирдаги кураш унинг иштирокчиларига муносиб ўтди. Сардорлар аjoyиб маҳорат, ёш шахматчилар эса тиришқоқлик, ирода ҳамда матонат кўрсатдилар.

Мусобақа жараёни қизиқарли пойғани эслатарди. Биринчи ўрин учун бўлган курашда сардорлар бирин-кетин сафдан чиқиб борардилар. Мусобақа ажабтовур якунланди: галаба халқаро майдонга биринчи бор тушган 22 ёшли америкалик Гарри Нельсон Пильсберига ёр бўлди.

Бу гроссмейстернинг қисқа лекин ёрқин фаолияти ана шундай бошланган эди. Пильсбери 1872 йил, 5 декабрда Сомервиллда туғилган. Уйинни нисбатан кеч - 16 ёшида ўрганди.

— Сайр вақтида, уй-қуда доналар мени таъқиқ қилади, - дея ҳикоя қилади Пильсбери. — Бўш вақтим топилди дагунча мен ўша захоти севимли машғулотим - шахмат тахтасига қараб чопардим.

Хотира, ҳисобдонлик, турли ҳаётий машқларга ўчлик ва тўғма истеъ-

Тож талабгорлари ПИЛЬСБЕРИ

дод ўз «ишини қилди». 1891 йили Пильсберига икки йиллик қаттиқ меҳнати эвазига эришганларини синаб кўриш имконияти туғилди. У Стейниц билан 3 партия ўйнади. Жаҳон чемпиони олдиндан бир пиёдаю бир юриш бериб ўйнаган эди. Натижа ёш шахматчи кўнглини кўтарадиган бўлиб чиқди: 2 партияни ютиб, биттасини бой берди. Американинг энг куч-

ли шахматчилари сафига ўтиб олиш учун Пильсберига кўп вақт керак бўлмади. 1892 йили у Беррини, бир йилдан кейин эса Вальбродтни ютиб; кучлилар сафига қўшилди. Тўғри, дастлабки жиддий турнирни ўртача натижа - 7-ўрин билан якунлайди. Лекин, Нью-Йоркдаги клуб чемпионатларида эришган кейинги муваффақиятлари АҚШ шахмат жа-

Мамажон МУХИТДИНОВ моатчилигига Пильсберини Гостингсга юбориш учун асос берди: бу ерда эса биз билганимиздек у аjoyиб галабага эришди.

Қизиқ, кейин бошқа ҳеч қачон бундай муваффақиятга бошқа эришолмади. 1898 йил Венада у Тарраш билан бирга жадавални бошқардио, лекин қўшимча матчни унга бой берди. 1900 йил Мюнхенда у яна голиблик шухрати-ни баҳам кўришга тўғри келди.


Лекин Пильсбери ўзининг 1904 йилдаги охириги турнирда ташқари қаерда ўйнаган бўлмасин муттасил совриндорлар сафидан жой олди. Ким билади, хасталикка йўлиқмаганда бундан-да юксакроқ чўққиларни забт этармиди? 1895 йил охирида, 1906 йил бошла-

рида Пильсбери жаҳондаги энг кучли шахматчиларнинг тўрт кишилик матч турнирида қатнашди. Ласкерни икки бор, Чигоринни уч бор ютиб, Стейницга қарши бир партияданина мағлубиятга учради. 9 имкониятдан 6 1/2 очко олган ҳолда турнир экваторидан ўтди.

(давоми бор)

МАРОКЛИ МАШҚЛАР Иккала тасвирда ҳам оқлар бошлаб икки юришда мот қилади.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси Марказий кўмита масъул ходими А.Маматовга онаси Муҳаббат МАМАТОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик ихсдор этади.



ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Тахрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибнат 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реколама, эълонлар бўлими 56-87-63 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерлида терилди ва сақланди. Офсет усулида босилди. Бичими: А-2. Ҳажми 2 боёма табоқ. Умумий аъдди 14.002 нуска. Сотувда эркин нарҳда. «Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмақонди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти: 21.00 Топширилди 21.45